

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**

*(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)*

*“Бухоро шаҳри куни” муносабати билан  
Бухоро шаҳри билан биродарлик алоқаларини ўрнатган шаҳарлар  
маъмуриятлари ва дипломатик корпуслар, халқаро  
ташкилотлар, хорижий ОАВ халқаро туристик ташкилотлар  
иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари*

Бухоро  
“Дурдона” нашриёти  
2019

бевосита ислом динига алоқадор бўлмаса-да, ислом дини билан боғлаб нишонланган “диний байрам”лар, соф ислом моҳиятига тўғри келмайдиган маросим ва урф-одатларни ислоҳ қилишга доир Бухоро маърифатпарвар, уламоларининг ислом маърифатини кенг тарғиб қилишга оид қарашлари ҳам матбуотда кенг тарғиб қилинган. Юқорида келтирилган маълумотлар Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошида нишонланган диний байрамлар нафақат диний балки ижтимоий, маънавий, маиший ҳаёти билан боғлиқлигини кўрсатади.

*Рахмонов К.Ж., т.ф.н. (Бухоро)*

## БУХОРО МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ЯПОНИЯ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида жаҳон тарихи ва Ўзбекистон тарихини объектив, холисона ўрганиш, мамлакатимиз ўтмиши ҳам жаҳон тарихининг ажралмас бир қисми эканлигини англаш борасида бир қатор илмий ютуқлар қўлга киритилди. Тарихий илм ва тушунчаларни эгаллашда икки жаҳон уруши оралиғида дунё мамлакатларида кечган иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-техникавий жараёнлардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, дунё кўп қутбли бўлган ҳозирги даврда тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликнинг роли ошиб бораётганлиги исбот талаб қилмайди. Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, ўрта таълим муассасаларининг 10-синф ўқувчиларига “Жаҳон тарихи” фанидан “1918-1939 йилларда Япония” мавзусини матбуот материаллари асосида чуқур ва мукамал ўрганиш долзарблик касб этади.

Иккинчидан, икки жаҳон уруши оралиғида Япония ва Туркистон (Ўзбекистон) ўртасидаги алоқаларнинг йўналишлари ҳамда тарихий тажрибасидан хулосалар чиқариш ҳам муҳимдир.

“1918-1939-йилларда Япония” мавзусини атрофлича ва кенг камровли ўрганиш учун 1917-1930 йилларда Туркистонда чоп этилган даврий матбуот материаллари, мавзуга оид қўшимча бой маълумотлар беради. Жумладан, 1920-1929 йилларда Бухорода дунё юзини кўрган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида Япониянинг урушдан кейинги ўн йилликларидаги сиёсий, иқтисодий, маданий аҳволига оид кўпгина маълумотлар келтирилган. Жумладан, «Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил сентябр ойи сонларидан Японияда рўй берган даҳшатли табиий офат, яъни zilзила тафсилотлари ва БХСР халқининг жабр кўрган япон халқига маънавий ҳамда моддий ёрдами баён қилинади<sup>1</sup>. «Токио, Иокагама ва бошқа шаҳарлар хароб бўлди. Токио ёнадур. Темир

<sup>1</sup> Японияда мисли кўрилмаган офат //Бухоро ахбори. 199-сон. 1923 йил 9 сентябр; Япония: 11 шаҳарнинг халок бўлиши. Зарар 50 млрд. сўм олтин //Бухоро ахбори. 200-сон. 1923 йил 12 сентябр; Японияда табиий офат: 1029 марта ер кимирлаш. Халқ ўртасида хаяжон //Бухоро ахбори. 201-сон. 1923 йил 14 сентябр; Япония офатлариға ёрдам //Бухоро ахбори. 209-сон. 1923 йил 3 октябр.

йўл, радио, телеграф бузилгон. Пойтахтдаги подшо саройи, театр, полиция биноти, дорилфунун, курол-яроғ заводи, дори омбори, газета идоралари ва 20 000 кадар уй эмирилди. Шаҳарга қуруклик орқали борадургон йўл кесилди... Сумигава дарёси тескари қараб окмоққа бошлади»-деб ёзилади «Бухоро ахбори»нинг 1923 йил 9 сентябрда чоп этилган 199-сониди. Япония зилзиласи ва япон халқига Бухоро халқи томонидан кўрсатилган ёрдам билан боғлиқ маълумотлар газетанинг 209-сониди ҳам «Қисқа хабарлар» рукни остида баён қилинган: «23 сентябр (1923 йил) Зиробод кишлок ячейкаси билан деҳқонлар иттифоқи аъзоларининг қўшма мажлисида Кайдани Огаев (?)нинг Япониядаги фалокат (зилзила) тўғрисидаги маърузаси эшитилгондан сўнг мажлисида иштирок қилгон 70 киши бир овоздан Япония меҳнаткашлариға ёрдам бермакни қарор бердилар»<sup>1</sup>.

Мазкур мавзуни ўтишда юқорида келтирилган қўшимча материаллар ўқитувчи томонидан ўқув машғулоти таълим технологияси, унинг мақсади, педагогик вазифалари, ўқитиш методлари, ўқитиш воситалари, ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари янги педагогик технологияларни қўллаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, ўқитувчи 1918-1939 йилларда Япония мавзусини технологик харитасини яратар экан, дарс босқичлариға ўқувчиларни фаоллигини оширишға эътибор қаратади. «Венн технологияси» асосидаги қиёслаш услубидан, шунингдек, интерфаол усуллар ҳисобланган «5 дақиқа», «Почта», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Кластер», «Аклий ҳужум», «Қарорлар шажараси» кабиларни дарс жараёнида самарали қўлласа ўқувчилар фаоллиги ошади.

Мавзунинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти шундаки, ўқувчиларға «1918-1939 йилларда Япония» мавзуси юзасидан билим ва кўникмалар ҳосил қилиш билан бирга, уларға янги билимлар берилади, илмий тушунча ва тасавурлари кенгайтирилади. Мазкур мавзуни ўқитиш орқали ўқувчиларни тинчлик ва унинг кадр-қимматини теран англаш, ҳар қандай ёт унсур ва ғояларға қарши туриш каби тарбиявий методларни қўллаш назарда тутилади. Бугунги авлодда мафкуравий иммунитет, қатъий ирода ва келажакка ишонч руҳини тарбиялаш мақсади кўзланганлиги ҳам мавзунинг тарбиявий аҳамиятини оширади.

Икки жаҳон уруши оралиғида Япония тарихини ўрганиш учун маҳаллий матбуот материалларидан фойдаланишнинг амалий аҳамияти бўйича қуйидаги якуний хулосаларға келинди:

Биринчидан, Япония тарихи (1918-1939 йиллар)ни ўрганишға қаратилган қўшимча адабиётлар доираси кенг, улардан танқидий ва ижодий таҳлил асосида фойдаланиш албатта, ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳисобланади.

<sup>1</sup> Бухоро ахбори. 209-сон. 1923 йил 3 октябр.

Иккинчидан, дарснинг самарадорлигини оширишда Япония иктисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига оид маълумотларни ўқувчиларга ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, тарихий изчилликда ва тизимли равишда дарс жараёнига жорий қилиш керак бўлади.

Учинчидан, "1918-1939 йилларда Япония" мавзуси ҳақидаги билимлар билан боғлиқ жиҳатларини қайд этиш, ўқувчилар онгига сингдириш орқали немис-ўзбек дўстлиги тарихининг илдизлари ҳақида уларда кенгрок тасаввур ҳосил қилиш зарурдир.

Тўртинчидан, мазкур мавзуни ўтишда инновация, янги педагогик технологияларни қўллаш имкониятлари кенг, буларни дарс жараёнига олиб кириш ўқитувчидан ижодкорлик ва педагогик маҳорат талаб қилинади.

Икки жаҳон уруши оралиғида Япония тарихини ўрганиш учун маҳаллий матбуот материалларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари бўйича қўйидагича таклиф ва мулоҳазалар билдириш ўринлидир:

1. Ушбу мавзу юзасидан яратилган ўқув намунавий дарс ишланмасини ижодкор тарих фани ўқитувчилари орасида тарғиб қилиш ва бу орқали уларнинг фикр - мулоҳазаларини олиш;

2. Мазкур мавзу асосида Япония давлатининг ўша давр тарихий-географик харитасини яратиш орқали истиқболда масала моҳиятини янада кенгрок ўрганиш.

*Рахмонкулова З.Б. т.ф.н, доцент (Тошкент)*

### **ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРДА САВДО ЙЎЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Савдо йўллари асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтаган. Буюк Ипак йўли Ўрта Осие хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги алоқаларда ҳам катта аҳамият касб этган.

Карвон йўллар орқали қадимги даврлардан Ҳиндистон ва Ҳитойдан зира, долчин, нил бўёғи, фил суяғи, марварид, олмос, ипак газламалар, бронза ва чиннилар Ўрта Осие орқали Византия ва Римга олиб борилган. Бухорода Европада ишлаб чиқарилган саноат моллари, хитой чойи, хинд шақари ҳамда эрон, турк, хинд савдогарларини учратиш мумкин бўлган<sup>1</sup>.

Бухоро ва Хиванинг ипак ва ип газламалари, улардан тикилган кийим-кечаклар, атлас, духоба, қоракўл териси, туркман отлари Эрон орқали Усманийлар давлатига ва Ҳитойга ўтказилган. Ўрта Осие давлатларининг Усманийлар ва Эрон билан алоқалари Марв ва Машҳад

<sup>1</sup> Борис А. Путешествие из Индии в Кабул, Татарию и Персию. Т. II. -М., 1848. -389-397с.

давлатчилигига оид муҳим манба.....	89
<i>Муродова Д.Ш.</i> – Т.Ф.Гелах тадқиқотларида Бухоро меъморий ёдгорликлари.....	94
<i>Муртозова С.Б.</i> – XIX аср охири - XX аср бошлари Бухоро мусика маданияти тарихидан.....	98
<i>Назаров А.Ё.</i> – Туркистондаги илмий муассасалар жамғармалари тавсифи (ЎзР МДА ҳужжатлари асосида).....	101
<i>Намозов Б.Б.</i> – Бухоро илм ва маърифат қалъаси.....	104
<i>Нарманов Ф.А.</i> – Бухоро вилоятидаги маданий-маърифий муассасаларнинг 1935 йилги республика танловидаги иштироки.....	109
<i>Носирова С.С.</i> – Матога битилган нақшлар жилоси.....	113
<i>Норова М.Ф.</i> – Сайфиддин Боҳарзий макбараси Бухородаги муқаддас зиёратгоҳ.....	117
<i>Одилов Ж.Х.</i> – Хивага уюштирган юриш натижасининг илмий тадқиқотларда ёритилиши.....	121
<i>Орзиев М.З.</i> – Амир Темур ва темурийлар қаздирган ариқлар.....	125
<i>Очилов А.Т.</i> – Пойкентда олиб борилган археологик тадқиқодлар тарихидан.....	129
<i>Пасилов Б.А.</i> – Некоторые вопросы социально-экономического развития БНСР.....	134
<i>Пасилова Г.Ф.</i> – Последствия свержения монархий и становление советской политической системы в Бухаре и Хорезме.....	143
<i>Равшанов Ў.Р.</i> –Туглар тарихдан сўзлайди.....	146
<i>Ражабов О.И.</i> – “Шайх Довуд” муқаддас қадамжоси.....	150
<i>Расулов М.Ф.</i> – Бухоронинг тарихий-маданий ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тарихидан лавҳалар (XX асрнинг 80-йиллари).....	152
<i>Раҳимджанова Н.Қ.</i> – XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистон даврий матбуотида Бухоро амирлиги диний байрамларининг тавсифи (ислом дини мисолида) .....	158
<i>Раҳманкулова М.Б.</i> – Бухоро хонлигида муқовасозлик тарихига оид айрим маълумотлар.....	163
<i>Раҳмонкулова З.Б.</i> – Ўрта Осиё хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги алоқаларда савдо йўлларининг аҳамияти.....	165
<i>Раҳмонов К.Ж.</i> – Бухоро маҳаллий матбуоти материаллари асосида Япония тарихини ўрганиш усуллари.....	168
<i>Раҳимов К.Р.</i> – VIII–IX асрларда Мовароуннаҳрда шаклланган зоҳидлик мактаблари ва унинг тармоқлари.....	173
<i>Ризаев Б.Н.</i> – Аҳолини кўчириш бўлими фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар (Бухоро вилояти мисолида) .....	180
<i>Содиқов Ф.Ф.</i> – БХСРда маҳаллий бошқарув органларининг ташкил топишига доир айрим мулоҳазалар.....	182
<i>Темиров Ф.У.</i> – Садриддин Айний ижодида «Бухорий»ларнинг илмий ва адабий мероси.....	185